



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 20 июль, шанба

• №57 (11.445)

• Эркин нарҳда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ўтган давр мобайнида барча соҳаларда эришилган самаралар, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, sanoat ва қишлоқ хўжалигидаги, хусусан, ғаллачиликдаги мисли кўрилмаган ютуқлар ҳақида гапирди. Мамлакатимизга хориз инвестициясини янада кенгроқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни бундан ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди. Шу билан бирга, олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоизга, жумладан, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 7,2, истеъмол товарлари – 11,5, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,5 фоизга кўпайди. Чакана товар айланиши 8,3, пуллик хизматлар эса 12,7 фоизга ошди.

Ушбу рақамлар мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом этаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил этиштирилди. Ҳатто, гектаридан 70-80 центнердан ошириб ҳосил олган оилавий пудратчилар, фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари республикаимизда шу кунгача этиштирилган 4,7 миллион тонналик улкан ғалла хирмониға муносиб ҳисса қўшган барча меҳнаткашларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз солиқлар миқдорини белгилашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб зарурлигини таъкидлади. Республикаимизда уни мавжуд ҳолатидан янада пасайтириш лозимлигига эътиборни қаратди. Солиқларнинг камайиши туфайли пайдо бўладиган ортиқча маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш имкони кенгайди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Н. Юсупов, Хоразм вилояти ҳокими И. Бобожонов, Жиззах вилояти ҳокими У. Яманқулов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2002 йил 18 июль

2002 йилнинг I ЯРИМ йиллигида ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, жорий йилнинг I ярим йиллигида 2002 йилга белгиланган параметрлар ва вазифалар ҳамда 2001 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 1-сон протоколида назарда тутилган топшириқларнинг изчил амалга оширилиши таъминланди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (4,2%), sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш (7,2%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш (4,5%), чакана товар айланиши (8,3%) ва пуллик хизматлар (12,7%) ҳажмлари ўсиши таъминланди, ташқи савдо балансиде ижобий сальдога эришилди.

Қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши натижасида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 2001 йил I-ярим йиллигидаги 1,4 фоиздан 1,1 фоизгача пасайди. Биринчи ярим йилликда эмиссия натижаси бўйича 50 миллиард сўмдан ортиқ тежамкорлик ҳосил бўлди, муомаладан эса 15,2 миллиард сўм нақд пул маблағи чиқарилди.

Ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, алмаштириш курсини бир-хиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида

эътибор қаратилди. Алмаштириш пунктларининг кенг тармоғи барпо этилди, алмаштириш пунктларида хоризий валютани сотиб олишда илгаридан амалда бўлган деярли барча чеклашлар олиб ташланди.

Ўзбекистоннинг 2002 йил 1 январдан 30 июнгача бўлган даврда иқтисодий ва молиявий масалаларга доир сиёсати бўйича республика ҳукумати билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ Мониторинг дастури қоидалари тўлиқ бажарилди.

Бошоқли экинлардан кейинги йиллардаги рекорд ҳосил йиғиштириб олинди, қарийб 4,7 миллион тонна дон этиштирилди. Деярли барча минтакалар давлат эхтиёжлари учун дон хариди бўйича шартномалар бажарилишини таъминлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилмоқда. Ўқувчилар ўрни 215,5 минг бўлган янги типдаги 44 академик лицей ва 291 касб-хуна колледжи фойдаланишга топширилди. Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хуна ва олий таълим учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Дарсликларнинг янги

авлоди тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Республиканинг 56 олий ўқув юрларида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар кенг тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, ердан ва сувдан фойдаланишга доир амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш, қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида – сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари қолоқлик билан олиб борилмоқда.

Қурилиш комплексини ислоқ қилиш қониқарсиз бормоқда. Пудратчини танлаш юзасидан тендерлар ўтказиш кўпол қонун бузилишлари билан амалга оширилмоқда. Пудратчилар ва бюртмачилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажаришда расмиятчиликлар мавжуд.

Экспортнинг ярим йиллик прогнози атиги 96,6 фоизга

(Давоми 2-бетда).

Mustaqillikning 1 yiliga

ХАЛҚ ИСТИҚБОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланадиган дамларга яқинлаштирмоқда. Шу кутлуғ ва муборак айём арафасида вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида мустақиллик сабоқлари ўтаяпти

Унинг иштирокчилари ўтган йиллар мобайнида эришилган натижаларга назар ташлаб, ютуқларимизни сарҳисоб қилиб муаммоларимиз ечими хусусида биргаликда фикрлашмоқдалар. Маънавият кунлари, маънавият соатлари мана шу мустақиллик сабоқларининг узвий бир кўринишига айланди. Таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчилар ва шоирлар — замона воизларининг халқ олдидаги чиқишлари, маъруза ва сўхбатлари билан жамиятимиз аъзолари барча қатламларнинг маънавий баркамоллигига эришиш йўлидаги саъй-



ҳаракатларга изчиллик, оммавийлик бағишланмоқда.

Ана шундай навбатдаги маънавият кунини вилоятимизнинг табиати гўзал, маданий-маънавий ҳаётимизда ўз салмоғига эга, бозор иқтисодиётига дадил кириб келаётган гўшаларидан бири — Пскентда ўтди. Шу кун атраф қишлоқларнинг ўримни ёруғ юз билан муваффақиятли якунлаган деҳқонлари, узум боғлари ва мевазорларда ғайрат кўрсатаётган боғbonлари, экинини ҳар кун бир яшнатиб, мустақил Ватанимизнинг катта дастурхонини нознеъматларга тўлдирётган сабзавоткор ва чорвадорлари, ўз ташаббуси ва иқтидорини кичик, ўрта, хусусий бизнесни ривожлантиришга бағишлаган тадбиркору ишбилармонлари, юрт камоли, эл саломатлиги йўлида ҳамиша камарбаста зиёлиларининг вакиллари Пскент шаҳар маданият ва истироҳат боғига тўпланишди.

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, унинг вилоятимиздаги бўлими туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий анжуман ўтказишди. Унинг иштирокчилари ҳузурида

(Давоми 3-бетда).

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

“Ўзбекқоғозсаноат” уюшмасининг “Ўзбекқоғози” очик акционерлик жамиятида бугунги кунда ўқувчилар дастурлари, ёзув қоғозлари, картон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Корхонанинг хориздан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозлангани зарур миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламоқда. Жумладан, акционерлик жамиятининг Янгийўлдаги қоғоз-целлюлоза фабрикасида Франциянинг “Clextral” корхонаси технологияси қўл келаётди.

Корхонада йил бошидан буён 2 миллиард 323 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 17 фоиз кўп демакдир.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗА.

Mustaqillikning 1 yilligiga

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари филология фанлари номзоди, доцент Султонмурод Олим, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев Ўзбекистон миллий мафкура илмий-тарғибот маркази директори, педагогика фанлари доктори Муҳаммадjon Куронов, Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент Шухрат Файзиевлар ҳозир бўлишди.

Тадбирни очар экан, вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган маънавий кунларидаги мана шундай учрашувлар ва суҳбатлар, ўзаро қизгин фикр олишувлар янги фикрловчи, кечаги, бугунги ва эртанги кунларимизга янги нагоҳ билан назар ташлаётган, истиқлол вазибаларини амалга ошириш йўлидаги янги қадамларини тобора дадил намоеън этаётган янги маънавий қиёфадаги замондошларимизни тарбиялашга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Илм ва ижод аҳллари билан бундай учрашув ва жонли мулоқотлар ҳеч сўзсиз маънавий эҳтиёжни қондириш, тафаккурни бойитишнинг таъсирчан ва амалий омилларига айланиб бормоқда.

Табиийки, аҳоли барча қатламлари маънавий қиёфаси — фикрлаш ва ҳаракат тарзидаги ўзгаришлар, иқтисодийда — ишлаб чиқариш, қурилиш ва маданий-маиший ҳаётимизда намоеън бўлмоқда. Анжуманда ана шулар ҳақида гуруҳ билан гапирди.

Миллий истиқлол ғояларини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётга пскентликларнинг кўшаётган ҳиссалари хусусида кўп гапириш мумкин. Пскент шаҳри кўчалари, туман қишлоқларини айлансангиз, ҳар қадамда бир янгилик, ҳар жойда яратувчилик ҳаракатига дуч келасиз. Майдонлардаги ободончилик, йўллар бўйидаги минг бир тусда товланиб, очилиб турган гуллар кўнгилларга энгил бир кайфият, қувонч бағишлайди.

ТАШАББУС ВА ИЗЛАНИШ МЕВАЛАРИ

Абдували ҒОҒУРОВ,
Пскент туман ҳокими.

— Фақат маънавий баркамол инсонгина шу тиниқ осмонимиз остидаги тинч ва осойишта турмуш қадрини тўла-тўқис ҳис қилади. Шундай ҳаётдан шукроналик пскентликларга хос бир фазилат. Лекин бу ҳаётимиз яратувчилик меҳнати, бунёдкорлик ишларимиз билан мукамал ва самарали. Биз бугун туманимиз меҳнат аҳлининг мана шу яратувчилик саъй-ҳаракатлари хусусида алоҳида ифтихор билан гапирамиз...

Гап мана шу ифтихорни ҳис қила билишда. Бундай ҳиссиётсиз унчалик оддий бўлмаган бугунги ҳаётимизда киши ўзига мос ва муносиб ўрин топа олмайди. Ўзлигини, ўз иқтидори ва салоҳияти нималарга қодирлигини англаб етмайди. Ватан, эл-юрт учун ифтихор ва гурури суёт инсон нособит, у бугунги муаммоли ва мураккаб ҳаётимизда наинки ўзлигини намоеън эта олади, аксинча «ўзини йўқотиб» қўйиши ҳам мумкин. Бунинг акси фақат маънавият бой, маънавий баркамол кишиларгагина хосдир.

Анжуманда ана шундай замондошларимиз — меҳнатсевар, ғайрат-шижонатли, интилувчан ва ташаббускор пскентликларнинг мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасидаги ишлари ва ютуқлари тилга олинди.

Пиллакорлар ва ғаллакорлар мавсумни муваффақиятли яқунлашди. Туман ғалла ҳосилдорлиги бўйича вилоятда олдинги ўринга чиқиб олди. Аҳмад Дўстбеков ва Охунбобоев номли хўжаликлар гектаридан 69-71 центнерга етказиб дон ўриб-йиғиб олинди. Ватан омборларига 32 минг тонна бугдой етказиб берилди. Хўжаликлар эҳтиёжи, илғор ғаллакорларга тақсимлаш учун режадан ортган 20 минг тонна ғалла қолдирилди.

Аммо туманда бундан салмоқли ютуқларга эришиш учун имкониятлар бор. Шу нуқтаи назардан қараганда Пскентда ҳали камчиликлар, ечилмаган муаммолар ҳам етарли. Буни англаш уларни ҳал этиш учун изланиш иштиёқини йўқотмаслик ва ўзига куч топиш ҳам фақат маънавий баркамол инсонларга хос. Анжуманда ўн йиллаб битмай қолиб

ХАЛҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



келаётган мактаб биноси, коллеж қурилишини яна ҳам тезлаштириш зарурлиги ҳақида гапирилганда учрашув иштирокчилари гуррос қарсақ чалишганлиги ҳам мана шу маънавий баркамолликдан, бугунимиз ва эртанги кунимиз учун маънавий масъулиятни чуқур ҳис қилишдан дарак беради.

Айни шу хислат туфайли пскентликлар меҳнатни ижодга айлантириб ишлашяпти.

УЙҒОҚЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Султонмурод ОЛИМ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари, доцент.

— Ҳозиргина бизга туман аҳли бу йил эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб беришди. Булар — Оллоҳнинг инояти, албатта. «Олма пиш — оғзимга туш», деган мақолга амал қилиб эмас, ўз иқтидори ва яратувчилик кучига ишониб яшаётган ва меҳнат қилаётган пскентликларнинг бундай муваффақиятлари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Лекин бу ютуқлар янада ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди, қачонки жамиятдаги маълум мудроқликни бартараф этсак, ҳали ҳам «уйқуда» ётганларни ҳаракатга келтира оلسак...

Воиз жамиятимиз аъзолари турли қатламлари ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтирмасдан туриб, ҳозирги нуқтадан «жилиш» мушкул, аммо муҳим эканлиги хусусида сўзлар экан, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш, уни кишиларни ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш муҳим вазифага айланганини таъкидлади.

Олимнинг очиқ мулоҳазалари анжуман иштирокчиларини жиддий ўйга толдирган, ўз билими, савияси, нуқтаи на-

зарига янгича бир синовчанлик билан разм солишга ундаган дақиқалар кўп бўлди. Воизнинг ўз фикрларини оддий баён этиши тингловчиларда алоҳида бир қизиқиш уйғотди. Йиғилганларга бизнинг миллий-сиёсий қадриятларимиз, мустақил давлатимиз рамзларининг моҳияти соддагина ҳаётий мисоллар воситасида тушунтириб берилди.

— Буларни идрок қилмасдан, қадриятларимизнинг моҳиятини англамасдан, ҳеч бир киши маънавий уйғоқ, баркамол инсонга айлана олмайди, — деди нотик пировардида.

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Шухрат ФАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи, доцент.

— Ҳуқуқий давлат нима? Ҳуқуқий маданият нима? Унинг шаклланиш омилла-

даният яхшигина бир орзу бўлиб қолаверади.

Пскент мактабларида ўтказилган «Демократик жамият ва миллий истиқлол ғояси» мавзусидаги давра суҳбатларини эслайлик. Улар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга самарали таъсир кўрсатганлигини бу ерда ҳали-ҳануз унутганлари йўқ. Ушбу анжуманда воизнинг суд-ҳуқуқ ислохотларига оид мулоҳазалари ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ЎЗ ҚОНУНЛАРИ БОР

Муҳаммадjon КУРОНОВ,
Ўзбекистон миллий мафкура илмий-тарғибот маркази директори.

— Ҳаёт ниятда серқирра, сержило. Уни рисолага солиб турувчи азалий омиллар мавжуд. Булар — маънавиятимиз қонун-қоидаларидир. Ҳаё, вафо, инсоф, виждон ва диёнат мезонлари бўзилса, қонун ишга ташади. Демак, маънавият юқори жамиятда қонунчилик муассасалари, ҳуқуқ-тарғибот идораларининг фаолият доиралари чекланган. Биз айни шу мақсадни кўзлаб, эркинлаштириш жараёнига тобора кенг ва асосли равишда кириб бораёلمиз...

Биз қонунларимиз ҳамма учун бир, деймиз. Вазифаси, мартабаси, лавозимидан қатъий назар, қонун олдида ҳаммамнинг тенглиги Ватанимизда қонун устуворлигининг асосидир. Акс ҳолда қанчалик пишиқ-пухта бўлмасин, қонунларнинг оёқости қилиниши, уларнинг «ишламаслиги», бинобарин, қонунсизлик, таралла-бедодлик авжга чиқади. Охир-оқибат бу маънавият мезонларига путур етказиб, жамиятда адолатсизликни кучайтиради. Жамиятдаги ўтиш даврида қонунлар талаблари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Шулар ҳақида гапириб, олим ўз идеали — жамиятда ялпи қонунона ҳаёт қарор топиши ҳақида ишонч ва жўшқинлик билан гапирди. Шундай қудратли ички ишончга эга

бўлмасдан туриб, биз танлаган йўлдаги ҳеч бир қадамни қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда маънавиятсизлик кучаяди, бошланаётган ҳар бир иш саробга айланади. Жиноятчиликка қарши курашдаги, ахлоқ-одобда азалий урфларга амал қилиш жараёнидаги ҳолатлар, меҳнатга, ота-она, ака-ука, опа-сингилга муносабатдаги баъзи салбий ҳодисалар ҳам айни шу қонунлар, миллий қадриятларига риоя этилмағлигидандир. Шу муносабат билан воиз тарбияга янги талабларнинг моҳияти, уларга оғишмай риоя қилиш зарурлигини ҳодирди.

ОШГАН ТОҒИНГ ДОВОН БЎЛСИН...

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

— Ҳозиргина эшитган рақамларимиз мен ва атрофимда ўтирган мана бу олимларда шу азиз Пскент учун ифтихор туйғуларини уйғотди. Нима дейман? Ажойиб, бағри кенг, инсоф-диёнатли халқимга нима дей? Улуғ байрам айёми яқинлашиб келаётган шу кунларда унинг бир шоир ўғли сифатида: «Ошган тоғинг мудом бир довон бўлсин!» — дейман.

Шоир мустақил Ватан, унинг ноёб гўшаси — Пскент тўғрисида жўшиб шеър ўқишга киришди. Муҳаббат, инсоний гўзаллик, одамии муносабатлар ҳақидаги шеърий сатрлар ўқилганида, анжуман иштирокчилари шоирни давомли қарсақлар билан олқишлашди.

Шу кун Пскент оқсоқоллари, уй бекалари, деҳқонлар ва боғбонлар, тадбиркор ва ишбилармонлар жонли мулоқотдан янгича бир баҳра олишди. Ҳеч шубҳасиз, бу амалий мулоқот аҳоли маънавий камолотига хизмат қилади, уларни янги-янги ғалабаларга ундайди.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Мезон.
20.25 «Ер ишки». Мусикий дастур.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 39-қисм.
17.55, 19.15, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 22.30, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли». 19.35 «Мусикий лаҳзалар». 19.40 «Умр йўлдоши». 20.30 ТТВда сериал:

«Афсунгар». 21.15 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
23.35 Кинонигоҳ «Етмиш икки соат». 00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».

16.20 «Жильбер Монтане» концерти.
17.00 «Евронояс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар» Сериал.
18.15 «Интервью». Бадий фильм.
20.00 «Время». 20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Ишбилармон» кишилар.
22.00 «Соккер клуб». 22.20 Кинематограф. «Ой

нури» агентлиги». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.15 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Икки қалитан». 3-

сериал. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал. 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Ўртоқ бошлик». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Боб қаерда?». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Тушқунликда қочиш». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси».
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Робин Гуд». Мультфильм.
11.25 «Узлгинг намойиш қил». Экранда - Сирдарё вилояти.
11.50, 14.50 ТВ клип.
12.05 «Йиллар ва йўллар». 12.25 С. Зуннунова. «Келин». Теленовелла.
12.55 «Мусикий учрашувлар».

13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 14.30 «Озод юрт одамлари». 15.00 «Моҳият». 15.20 «Рақс қироли». Бадий фильм.
16.20 «Соз сеҳри». 16.40 «Хуқуқ сабоқлари». **Ёзги таътил кунларида.**
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 2. «Ҳайла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
18.10 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
18.30 «Сўхат-саломатлик». 18.50 «Қуйла, ёшлигим». 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Мустақиллик бинолари». Композиция.
20.30 «Ахборот». 21.05 «Соғлом она - соғлом бола». 21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Синёст оламида». 22.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
22.40 «Спорт, спорт, спорт». 22.55 «Рўҳият манзаралари». 23.20 «Ахборот - дайжест». 23.40-23.45 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 «Қўндуз амакининг ҳижоляри». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.

10.05 Минг бир маслаҳат.
10.25 Мусикий лаҳзалар.
10.35 «Эсмеральда». Телесериал.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Болалар экрани «Мю, болагинам Мю». 13.00 Мезон.
13.20 «Жюли Леско». Бадий фильм. 19-қисм.
14.10 Ватан манзаралари.
14.30 Интерфутбол.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 «Мулоқот». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.55 «Қўндуз амакининг ҳижоляри». Мультсериал.
18.10 «Дунё ахойиботлари». 18.30 Автосалтанат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Азизим.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 «Маржон» гуруҳи куйлайди.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Зебралар». Хужжатли фильм.
1.15-1.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 40-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.15, 21.55

«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навқирол». 19.25 «Эл хизматиди». 19.45 «Жозиба». 20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар». 22.20 Кинонигоҳ «Етмиш икки соат». 23.05 Тунги сеанс. «Сўнгги романс». 1.15-1.20 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести». 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр». 17.00 «Евронояс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар» Сериал.
18.15 «Инсон ва қонун». 18.50 «Муъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 «Дурдаршан». 21.00 «Замонавий Швейцария». 21.20 «ТВ-4да мусика».

21.35 Кинонинг олтин асри: «Бобга нима бўлди?» Бадий фильм.
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.25 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сўхбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Икки қалитан». 4-сериал. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал. 18.00 «Ўртоқ бошлик». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ез оқшомдаги туш». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SHANBA
«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
9.00 1. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 2. «Ҳайла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.20 «Оламга саяҳат». 10.40 «Битирув кечаси». Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 «Хатларда ҳаёт». 12.20 «Кўшигимиз сизга армуғон». 12.40 ТВ-1 кинотеатри: «Ўпқон». Бадий фильм. 1-қисм.

13.50 «Маърифат». Телеальманах.
14.10 «Ўпқон». Бадий фильм. 2-қисм.
15.20 ТВ клип.
15.30 «Якмама-якма жанг». Спорт дастури.
Адабий жараён:
15.45 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти». 16.25 «Ягона оилада». 16.55 Болалар учун. «Миттвойлар оиласи». 17.15 «Бахтимизга омон бўлинг». 17.35 «Рангин дунё». **Ёзги таътил кунларида.**
«Болалар сайёраси»:
17.55 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.55 «Пазандалик сирлари». 19.05 «Ватан мадҳи». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 «Шанба оқшомида». **«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.**
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Форест Гамп». Бадий фильм. 1-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест». 23.25 Футбол.Ўртоқлик учрашуви. «Ўзбекистон» терма жамоаси - Туркия терма жамоаси. «Пахтакор». Марказий стадиондан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
9.20 Болалар клуби.
9.40 Табобат оламида.

10.00 Мусикий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 Оғоҳ.
11.20 Ринг қироллари.
12.20 Бола тилидан.
12.50 «Кондорлар». Хужжатли фильм.
13.40 ТВ-анонс.
13.50 «Жюли Леско». Бадий фильм. 20-қисм.
14.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
16.10 «Дунё ахойиботлари». 16.30 «Рамаяна». Телесериал.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.35 «Дороти Оз мамлакатиди». Мультфильм.
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИНИ 11 ЙИЛЛИГИГА. «Озод юрт фарзандлари». 20.10 Ёшлик қўшиқлари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.50, 21.45, 22.35 Эълонлар
20.55 «Жюли Леско». Бадий фильм. 21-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Наҳот хайқирғини». Бадий фильм.
00.20 «Пандани кўтаринг». Хужжатли фильм.
1.10-1.15 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультархалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.25, 19.50, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.45 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)

19.20 «Хусусийлаштириш қадам-бақадам». 19.40 «ТТВда мусика». 20.10 «Нима учун?» 20.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.40 «Ташриф». 22.00 Кинонигоҳ «Соврин». 24.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика». 9.10 Е. Петросяниннинг «Кулгу панорамаси». 9.45 «Лаззат». 10.05 «CFI янгиликлари». 10.15 «Инглиз тили Сиз учун». 10.40 «Фан-тайм». 10.50 «Мультсеанс». 11.10 «Татьяна Полонская билан бирга». 11.35 «Олтин микрофон». 12.20-13.20 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи». «Умид», «Чинсан». 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Ил қўшиқлари». Ёз. 17.00 «Билишни истаيمان». 17.20 «Ил қўшиқлари». Ёз (давоми) 17.55 М. Галкин, М. Задорнов, Е. Степаненко.

«Евгений Петросян тақлим этади» Хажвий кўрсатувида.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайдиган?» Телеуйин.
20.00 «Время». 20.30 «Асл мусика». 21.20 Кинематограф. «Уйга келиш». Бадий фильм.
22.50 Ахборот (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Твистнинг қувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Микрокосмос». 13.40 Бокс ишчибозлари учун. 14.30 Хинд киноси: «Муттаҳамлар». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз уйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Жинг ёки Рус бизнеси-2». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атадилар». Сериал. 21.55 «30-канал» кинооқшоми: «Анна Каренина». 23.30 «Дориннома». Сериал. 24.00 Мусикий дастур.

YAKSHANBA
«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройибот». 9.30 «Ака-ука Грим эртақлари». Мультфильм.
9.55 ТВ анонс.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она мөҳри». 11.20 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.55, 13.30 ТВ клип.
12.05 «Пазандалик сирлари». 12.15 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ишқ». Бадий фильм. 1-қисм.
13.40 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
14.40 «Ишқ». Бадий

фильм. 2-қисм.
15.55 «Кўҳна замин оҳанглари». 16.15 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал.
16.40 «Қалб гаҳҳари». **Ёзги таътил кунларида:**
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ўлғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
18.00 «Бир қулишайлик». А. Акбаров.
18.25 «Туртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 ТВ клип.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». 21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

«Якшанба кинозалли:
22.40 «Жаҳон киноси юлдузлари». 23.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Форест Гамп». Бадий фильм. 2-қисм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.25 Футбол плюс.
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 Мусикий лаҳзалар.
10.10 «Зинама-зина». 10.40 Очил дастурхон.
10.55 «Нокаут». 11.20 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
12.00 «Ез ёмғири». Бадий фильм.
13.30 Қорақалпоқ

наволари.
13.45 Азизим.
14.10 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
15.00 Чемпион сирлари.
15.20 «Рамаяна». Телесериал.
15.55 Хандалак.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Ким эпчил-у, ким чаққон?
16.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Синфдош.
18.10 Оқшом наволари.
18.20 Оқшом.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Аёл қалб наволари.
19.40, 20.35, 22.30 Эълонлар
19.45 «Жюли Леско». Бадий фильм. 22-қисм.
20.40 «Никол» муқофоти совриндорлари куйлайди.
20.55 «Законат» интеллектуал уйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичиди.

22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ўрмон юраги». Бадий фильм.
00.15-00.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 18.55, 20.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси». 20.00 «Телефакт». 20.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
21.20 «Менинг маҳаллам». Телетанлов.
22.40 «Спорт-клуб». 23.00 Кинонигоҳ «Ички космос». 1.05-1.10 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусика».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.45 «Парле ву франсе?». 12.10 Болалар соати: «Чексиз тарих». Бадий фильм.
13.40 «Лего ленд». Болалар учун телеуйин.
14.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 14.30-15.30 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкаммон», «Дидар», «Озарбайжон тўғчалари». 16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 «Катта концерт». 18.10 «Бинафша». 18.25 Кинематограф. «Доктор Голливуд». Бадий фильм.
20.00 «Тенгдошлар». 20.30 «Мюзик холл». 21.00 «7 хун». Ҳафта якуналари.

21.25 «Кинопрофи». 21.50 Кинематограф. «Ёқимтой». Бадий фильм.
23.25 «Тахлилнома». 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор. 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Фильм - болаларга. 12.00 Оилавий кино. «Бэйб». 13.40 «Баффи». Сериал. 14.30 Кундузги кинозал: «Тангри курол-аслаҳалари». 16.10 «30-канал» да қизиқарли учрашувлар. 17.00 «Ўз уйини». 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Гузалик салони». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атадилар». Сериал. 21.55 Якшанба кинооқшоми: «Заҳарлар ёки бутунжаҳон заҳарлаши тарихи». 23.30 «Дориннома». Сериал. 24.00 Спорт шарҳи.



МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ


Юқоричирчиқ тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиги маданият-истироҳат боғида ногирон болаларнинг «Мафтункор ранглар дунёси» аънавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимининг фармоишига биноан ҳокимлик ҳамда хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан қирқ нафар ногирон бола иштирок этишди.

Мурғак тасаввурлардаги болалар беғубор олами акс этган асарларнинг ўзига хос ушбу кўригини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўми-

таси раиси Адиба Аҳмаджонова очди.

Она-Ватан мустақиллиги, юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари, меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар гўдакона самимият билан ифодаланган расмлар ҳакамлар ҳайъатида чуқур таассурот қолдирди. Юқоричирчиқ туманидаги 33-мактаб ўқувчиси, 8 ёшли Голлал Утеева чизган расм биринчи ўринга лойиқ то-



СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Танлов

пилди. Ўртачирчиқлик 14 ёшли Рамил Ўрозбахтинов иккинчи, пскентлик 15 ёшли Улуғбек Баратов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов ниҳоясида ғолиб ва иштирокчиларга вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши, «Болалар» жамғармаси вилоят бўлими, «Вилоятматлуботсавдо», «Вилоятсавдо» акциядорлик жамиятлари томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғолиблар «Мафтункор ранглар дунёси» Марказий Осиё ногирон болаларининг VII Халқаро бадиий кўрик-танловида қатнашадилар. Дарвоқе, яқунловчи ушбу танлов ҳам айнан шу ерда ўтказилади.

КУТУБХОНА ВА МАРКЕТИНГ

Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхонасида кутубхоначилик бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг очилди.

XXI аср — ахборот технологиялари асрида барча соҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик ишида ҳам янгича ёндашув, замонавий иш услубларини қўллаш талаб этилаётир. Уч кун давом этадиган мазкур ўқув-семинарда иштирокчилар маърифат масканлари ишида янгича услубларни қўллаш, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ушбу тизимни янада такомиллаштиришга эътибор қаратилади. Бу борда, айниқса, халқаро ташкилотларнинг грантларида иштирок этиш ва шу орқали кутубхоналарнинг моддий-техник базаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ШАРТНОМАНИНГ ШАРОФАТИ

2000 йилнинг март ойида Осиё тараққиёт банки ҳамда мамлакатимиз ҳукумати ўртасида 57 миллион АҚШ доллари миқдорига тўрт йиллик ижро мuddати билан кредит шартномаси имзоланган эди. Шартномага мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа изчил амалга оширилади.

Лойиҳада 42 йўналишдаги касб-хунар коллежи ва 3 академик лицей учун ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари харид этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув материаллари тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Биргина малака ошириш бўйича 7 минтақавий тренинг маркази ташкил этиш юзасидан режа ва дастурлар ишлаб чиқилган. Унга биноан лойиҳага кирган барча таълим муассасалари директорлари ва педагог кадрлари, 23 олий ўқув юрти малака ошириш марказларининг педагоглари, шунингдек, лойиҳага кирмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш мўлжалланган.

— Экспертлар томонидан масофавий таълимни ривожлантиришнинг стратегик режаси ҳам ишлаб чиқилган, — деди лойиҳанинг молиявий маслаҳатчиси Тони Рэдмонд ЎЗА муҳбирига. — Унга кўра дистанцион таълим бўйича 14та минтақавий ресурс маркази ташкил этилади.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент Тадбиркорлик коллежи 2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

1. Ҳуқуқшунослик	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
2. Молия-кредит	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
3. Бухгалтерия ҳисоби	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
4. Автомобиль двигателларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш («ВС» ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади)	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
5. Давлат йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати ходими (ДАН ходими, «ВС» ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади)	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
6. Ветеринария	9-синф кундузги	11-синф кундузги
7. Банк иши	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки
8. Ижтимоий таъминот (ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича ҳуқуқшунос)	9-синф кундузги	11-синф кундузги
		11-синф сиртки

11-синфлар учун ўқиш тўлов — контракт асосида.


Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза
2. Аттестат (диплом ёки гувоҳнома)нинг асл нусхаси
3. 9-синф учун тавсиянома (Психологик ташҳис марказидан)

Манзил: Буюк Ипак йўли метросидан (М. Горький) 496-автобус ва 138-маршрутканинг «Медтехника» бекати.

43-маршрут, 1- ва 17-автобусларнинг «Хумоюн» бекатидан «Медтехника» бекатигача пиёда.

Мўлжал: «Медиз» корхонасининг рўпарасида.



4. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси

5. Фотосурат 6 дона 3x4 ҳажмда

6. Тиббий маълумотнома (086-У форма)

7. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма. (Сиртки бўлим учун)

8. Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Шарҳловчи минбари

АФРИКА: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Сайёрамизда энг суғ ривожланаётган ва қуролли можаролар тўхтамаётган Африка қитъасининг айрим мамлакатларида иқтисодий ислохотлар ўз натижасини бера бошлади. Бу эса минтақа юксалишидаги умумий кўрсаткичларга ҳам ижобий таъсир этмоқда.

БМТнинг Африка бўйича иқтисодий комиссияси эълон қилган ҳисоботда қитъа борасида анчайин яхши рақамлар қайд этилган. Ўтган йили Африка жаҳоннинг ривожланаётган минтақалари орасида энг юқори иқтисодий натижаларга эришган. Масалан, 2001 йили қитъа мамлакатларида ялли ички маҳсулот ҳажми ўсиши ўртача 4,3 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 3,5 фоиз эди.

БМТ мутахассисларининг фикрича, Африканинг жадал ривожланишига, асосан, кўп мамлакатларда макроиқтисодий бошқарув яхшилангани ва қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар сабаб бўлаётир. Шунингдек, АҚШга экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши ҳам ушбу жараёнга ижобий таъсир этган. Минтақа иқтисодийнинг яхши томонга ўзгаришига яна бир сабабни таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Сўнгги йилларда халқаро ҳамжамият саъй-харақатлари билан Африканинг қатор мамлакатларида кўп йиллик қуролли можароларга барҳам берилди. Қўлидан қурол тушмай келган одамлар энди тинч, яратувчилик ишлари билан машғул.

Таъкидланганидек,

макроиқтисодий бошқарув самарали ислох қилингани учун йиллик ўсиш кўрсаткичи уч фоиздан ошган мамлакатлар сони 26дан 37га чикди. Бу борада, айниқса, нефт экспортини йилдан-йилга ошириб бораётган Экваториал Гвинея катта муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатнинг кўрсаткичи 65 фоизни ташкил этди. Юксалиш даврини бошдан кечириётган мамлакатлар орасида энг омадсиз деб эса Зимбабве қайд этилди. Бу ерда ҳукумат оқ танли заминдорларнинг ерини тортиб олиб, туб аҳолига бера бошлагач, мамлакатдаги аҳвол анча мураккаблашди.


Хар қанча мақтов айтилмасин, Африкада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, қитъанинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ўсиш барқарор, деб бўлмайдди. Ҳатто ҳозирги юксалиш суръати сақланиб қолган тарзда ҳам у 2015 йилга келиб, минтақадаги қашшоқлик даражасини икки баробарга камайтириш учун камлик қилар экан. Дарвоқе, минтақада қашшоқликни кескин камайтириш режаси БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида қабул қилинган эди. Лекин хар не бўлганда ҳам, қурраи заминнинг энг қашшоқ минтақаси ҳисобланиб келаётган Африкада иқтисодий ўзгаришлар ижобийлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, минтақада давом этаётган сиёсий беқарорликларга аксарият ҳолларда қашшоқлик, ишсизлик ва бошқа камчиликлар сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



ТЕРРОРНИНГ ЯНГИ ҚУРБОНЛАРИ

Исроил пойтахтидаги автобус бекатида яна портлаш содир этилди. Натижада беш киши, жумладан, икки нафар кўпоровчи ҳалок бўлди ва 41 киши жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Маълумотларга қараганда, ушбу террорчилик учун жавобгарликни «Ислом жиҳоди» ва «Хамас» террорчи гуруҳлари ўз зиммасига олган.

ВАЗИЯТ ТАҚОЗО ЭТГАН ҚОНУН

АҚШ Конгресси янги қонун қабул қилди. Унда ҳисоб-китоб ишларида хатога йўл қўйган АҚШ компаниялари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш кўзда тутилган. Кейинги вақтларда мазкур соҳада кўплаб англашилмовчиликлар юзга келаётгани, ниҳоят, алоҳида қонун ишлаб чиқишига олиб келди.

«ТЎРТЛИК» БАЁНОТИ

Яқин Шарқ масаласи бўйича уюшган халқаро «тўртлик» Исроилни Фаластин давлати тузилишини қўллаб-қувватлашга қақирмоқда. Куни кеча БМТ, Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи вакилларининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган мажлисида шу хусусда қўшма баёнот қабул қилинди.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Парагвайда фавқулодда вазият ҳукм сураётганига қарамай полиция билан намоишчилар ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Намоишчилар ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан норозилик билдирмоқда. Шунингдек, улар президент Луис Гонсалес Макки истеъфо беришини талаб қилмоқда.

РАСМИЙ АРИЗА БЕРДИ

Швейцария ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш учун расмий равишда ариза берди. БМТнинг ушбу мамлакатдаги доимий вакили Жено Стахелин Бош котиб Кофи Аннанга Швейцария президенти Каспар Филлигернинг шу ҳақдаги мактубини топширди.

ЭНГ КЎП ЖОНИВОР ВА ПАРРАНДА



Олимпларнинг тахминича жониворлар ўртасида энг кўпи қўй ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам унинг миллионлаб подалари Австралия, Янги Зеландия, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги яйловларда ўтлаб юради. Кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган жонивор ҳам уй ҳайвони — сигирлар экан. Албатта жониворлар турига майда ҳайвонлар, шу жумладан қаламушлар ҳам қиради. Улар эса, ҳисобга олинмаган. Қаламушлар бир вақтлар қурраи заминдаги инсонлар сонига тенг ҳисобланарди. Ҳозир эса, уларнинг сони анча кўпайди, деган фикр бор.

Паррандалар орасида эса, уй товуқлари олдинда туради. Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда беш миллиарддан ортиқ шундай парранда бор деб ҳисобланади ёки у ҳар бир киши бошига биттадан тўғри келади. Ундан кейинги ўринда чумчуқлар турар экан.

ЛАЙЛО ОРОЛИ МАШМАШАЛАРИ

Марокашлик бир гуруҳ ҳарбийлар Ўртаер денгиздаги 14 гектарлик Лайло (Перехил) оролига тушгани Испаниянинг норозилигига сабаб бўлди. Чунки Испания ҳам оролга даъвогарлик қилиб келади. Мазкур орол ХҲ асрдан буён Испания қўл остида эди. Бирок у Марокаш сув ҳудудларида жойлашган. Марокашликларнинг таъкидлашича, мамлакат 1956 йилда мустақилликни қўлга киритгач, Лайло ороли ҳам табиий равишда Марокаш таркибига ўтиши лозим эди. Ҳозирча оролнинг расмий мақоми белгиланмаган. Шундай экан, кузатувчиларнинг фикрича, оролга ҳарбийлар киритилмаслиги керак эди.

Марокашлик ҳарбийларнинг нафақат Лайло ороли, балки унга яқин бўлган Чафаринас ороллари ҳам жойлашиб олгани маълум бўлгач, расмий Мадрид чиқамади ташвишга туша бошлади. Шунга қарамай, ҳар икки ҳукумат яқин кунларда ушбу можаро тинч музокара йўли билан ҳал этилишига умид қилмоқда.

Жаҳон ва биз

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ



Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида Миср ва Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг ўн йиллиги ҳамда мазкур давлатнинг миллий байрами — 1952 йилдаги миллий демократик инқилобнинг 50 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Ўз минтақасида Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Миср Араб Республикаси билан мамлакатлараро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил бўлган эса-да, икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Ҳар икки мамлакат тарихан муштарак маданият ва урф-одатларга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йил декабридаги Қоҳирага расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий муносабатларнинг янги ривожини учун муҳим тўртки бўлди. Ўтган давр мобайнида дипломатик, иқтисодий, илмий-техник, маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш учун имкониётлар очиб берган йигирмадан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Ҳар йили ўнлаб ўзбе-

кстонлик талаба, ўқитувчилар Миср университетларида билим ва малака ошириб қайтади. Юртимиз санъаткорлари — Мисрда ўтадиган анъанавий фестивалларнинг доимий иштирокчиси.

— Бугун кўплаб соҳаларда ҳамкорлик самарасини кўриб турибмиз, — деди Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жамил Файид. — Ҳозирги шароит равнақ топган ижтимоий ва маданий алоқаларимизга таянган ҳолда, энди олдимизга иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Матбуот анжуманида мамлакатларимиз ўртасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига юксак баҳо берилди ва икки дўст мамлакат ҳамкорлигининг кўлами янада кенгайишига умид билдирилди.

Ўз мухбиримиз.

ОШҚОЗОНДАН СИМОБ ОЛИНДИ

Руминиядаги Констанца шаҳрида жарроҳлик клиникаси шифокорлари йигирма беш ёшли Даниил Данчио ошқозонидан оддий харорат ўлчагични олиб ташлашди. Даниил хорижга ишга бормоқчи бўлиб, тиббиёт кўригидан ўтаётган эди. Рентгенчилар унинг ошқозонидан ортиқча нарса борлигини билиб қўлишгач, операция қилишни тавсия этдилар. Харорат ўлчагичнинг юпқа ойнаси хар дақиқада синиб кетиши, унинг ичидаги симоб эса ўлимга олиб келиши мумкин эди.

Даниил бу харорат ўлчагични беш ёшлик вақтида, бетоб бўлиб касалхонада ётган пайтида ютиб юборган экан.



Турфа олам

Турфа олам

«Эзгу ишга шошилинг»

Бадий академия Марказий кўргазмалар залида очилган ана шундай мавзудаги кўргазмада Тошкентдаги "SANVICT" бадий ижодиёт марказида фаолият кўрсатувчи болалар ҳамда марказ раҳбари Гулсара Ражабованинг тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

Уч йил муқаддам ташкил этилган ушбу марказда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, тиббий кўмакка муҳтож ўғил-қизлар, кўп болали

оилалар фарзандлари тасвирий санъат сир-асрорларини ўрганмоқда. Бу ерда мохир мусавир, усталар иштирокида расм тўрагаги билан бирга гиламдў-

злик, ганчкорлик, лок мини-атюраси каби йўналишларда ҳам машғулотлар олиб борилади.

Шуниси эътиборлики, марказ аъзолари халқаро миқёсдаги турли кўрик-танловлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этаётди. Уларнинг расмлари Япония, Миср, Хиндистон, Чехия каби давлатларда ўтказилган болалар расмлари кўргазмаларида намойиш этилган.

Ў.А.

Bolalik bog'i

ЕЗГУЛК

*Oppoq kaptar o'ynaydi,
Ko'm-ko'k moviy osmonda.
Qizim shodon kuylaydi,
Tinchlik deya dunyoda.
Bobom qo'lini cho'zar,
Yashasin deya bashar.
Tarqalsin qora bulut,
Dunyo, urushni unut.*

Abdusamad YUNUSOV.



Турмуш чорраҳаларида

... Ўзим ишлаётган корхонада бир йигит бор. Ўзимдан беш-олти ёш каттарок. У билан кўп йил бирга ишлашиб, анча яқин бўлиб қолганмиз. У ишдан бўш пайтларда ичидаги дардини менга айтар ва юрагини ёзгандек бўларди. Ўз навбатида мен ҳам

хор-зор бўлади ҳали».

У менга кунора шу гапни такрор-такрор айтди. Ҳатто, ота-онаси, ака-опалари ҳам бунга рози эканликларини, шундай қилсак, уларга ҳам, менга ҳам яхши бўлишини айтди. Ҳамкасбимнинг хотини анчадан буён оғир касал бўлиб, юришдан қолганлигини билардим. Бунга чуқурроқ ўйлаб кўришим кераклигини унга айтдим.

Шундай кунларнинг бирида биринчи турмуш ўртоғим пайдо бўлди. Аёл киши учун барибир кўз очиб кўргани умрбод юрагида муҳрланиб қолар экан. У ҳам мендан кейин қайта-қайта уйланди. Турмуши яхши бўлмади. Куз кунларининг бирида кутилмаган тақлиф билан ишхонамга кирди:

— Никоҳдан ўтсак розимизми?

Тасодифий бу тақлифдан рости довдираб қолдим. Ишхонамдаги ҳамкасбимдан маслаҳат сўрадим. У ўртага тушиб шундай дегани ҳеч ёдимдан чиқмайди:

— Укажон, сизнинг хотинингиз соғ, менинг оиламни эса биласиз. Мен... уйланмоқчи эдим.

— Ундай бўлса, майли, — дея биринчи турмуш ўртоғим шахд билан чиқиб кетди.

— Опажон, йигитнинг лафзи ҳалол бўлсин экан. Ушанда ўртага тушиб, катта-катта вадаларни берган ўша эркек сўзида турмади. Номардлигини тан олгиси келмай, турли


бахоналар излади. Қисматимдан нолиб, ким айбдор, деб кўп ўйлайман. Агар у ўртага тушиб, мени алдаганида, кўз очиб кўрган эрим билан ярашиб, ҳаётим изга тушиб кетган бўлармиди? Сиз нима дейсиз, опажон!

Ҳамсўхбатимнинг бу саволига нима деб жавоб беришни, уни қандай сўзлар билан юпатишни билмай, бир оз сукутда қолдим...

Лутфиниса ОДИЛОВА.

Бекажон

«МОЙЧЕЧАК» ПИШИРИФИ



200 г. творог, 1 стакан ун, 100 г. сариеғ, 100 г. шакар, 1 дона туҳум саригини араштириб, таъбга кўра ванилин, ярим чой қошиқ истеъмол содаси солиниб, суюқроқ хамир қилинади. Уни қандолатчилик шприцига ёки махсус халтачага солиб, духовка патнисига орасини очикроқ қилиб қўйиб, ўртача оловда пиширилади.

ХУШБЎЙ ТУЗ ИШЛАТИНГ

Тиббиёт ходимлари рўзгорда шундай туз ишлатилишини тавсия этадилар. У тайёр ҳолда бўлмайди, лекин уй шароитида бемалол ҳозирлаш мумкин. Бунинг учун селдерей, шивит, кашнич ва петрушка каби хушбўй ошқўқларнинг уруғлари кофе майдалаганда майдаланади, сўнгра оддий туз билан 1:5, ҳатто 1:10 нисбатида аралаштирилади.

Санаб ўтилган бу ўсимликлар доривор воситалар ҳисобланади. Улар пешоб, сафро ҳайдаш, қон ва қон томирларини тозалашга ёрдам беради. Шу боис, ўсимликлар уруғлари қўшилган туз икки томонлама самара беради.

Тошкент вилояти Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси қўмитаси Тошкент Давлат Аграр университети касабаси қўмитаси раиси, вилоят қўмитаси раёсати аъзоси Оразмаммед Қаландарова отаси **Қаландар БОЙНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўриқчи

бийки, зўравонлар қиларини қилиб, қўённинг инини қидириб кетишган эди.

Қидирув давом этди. Атроф кўчалар, майдонлар текшириб чиқилди. Ниҳоят, тезкор жараён муваффақиятли яқун топди. Бу жиноятни икки қўшни — Ли Александр билан Сергей Усеиновлар содир этишгани маълум бўлди.

С.ЖУМАНИЕЗОВ.

ЭР ЙИГИТДА



ЛАФЗ БЎЛМАСА...

сезилмасди. Оиламиз бўлаклиги, эримнинг ҳеч қерда ишламаслиги туфайли мен ишга чиқишга мажбур бўлдим.

Фарзандларимни яслига жойладим. Қиш чилласи эди. Яслидами, йўлдами, билмадим; бир фарзандим қаттиқ шамоллаб қолди. Уни кўп даволатдим. Бўлмади. Умри қисқа эканми: шамоллаш баҳонасида бу дунёдан эрта кетди. Энди қолган икки фарзандимга соғлиқ тилаб, бир эмас, икки жойда ишлаб, пул топа бошладим.

унга ўз ҳаётим ҳақида гапириб берадим.

Бир кун у менга шундай деди: «Синглим, аёл кишининг қирқ чирогои бўлади, бири ёнмаса, бири ёнади, дейишади. Шунинг учун сиз кўп куонаверманг. Биз кеннойингиз билан ҳам уйда сиз тўғринида кўп гаплашамиз. Унга тутинган сингил керак, фарзандларимга эса опа. Хўп десангиз сизни икки фарзандингиз билан олиб кетаман, болаларингизни ўз фарзандларим қаторида кўраман. Сизни хўрлаган эркекнинг ўзи

келаётган эди.

Милиция сержантлари О.Абдурахмонов, А.Пўлатхонов, милиция кичик сержанти А.Мамутов, милиция сафдори А.Уроловлардан иборат гуруҳ шошилинч йўлга тушди. Улар Дмитрий Булавинни автодўкон ичида ўғрилиқ содир этиб турган пайти қўлга олишди. Атрофни кузатиб, ташқарида турган шеририги Артём Нестеров ҳам қочишга улгурмади. Эндигина ўн етти ёшга тўлган бу йигит-

чаларнинг ўғрилиқ «фаолияти» шу аллозда барҳам топди.

ЗЎРАВОНЛАР УЛГУРИШМАДИ...

«Баҳор» ресторани ёнида икки номаълум шахс бир кишини уриб, бошини жароҳатлагани ҳақидаги хабар Олмалиқ шаҳар кўриқлаш бўлими милиционерлари Х.Анорқулов, С.Боймирзаев ва Ф.Мамараҳимовларни оёққа турғазди. Жабрланувчи Владимир Трофимчук оғир аҳволда эди. Та-

МОЛИ ҲАЛОЛ ЭКАН...

Тижоратчи Абдулла Аvezов ўзини кўярга жой тополмай қолди. Икки кун ичида уйдан учта аккумулятор, автомашиналарнинг жами қиймати 359 минг сўмлик 12 дона турли эҳтиёт қисмлари ўғирланса, инсон қандай аҳволга тушиши мумкин, ахир?

Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими кўриқлаш хизмати ходими Ш.Йўлдошев ҳамкасблари Ф.Примқулов, Ш.Абду-

расулов, И.Туробов, Н.Тошматовлар билан ҳамкорликда олиб борган тезкор ҳаракат натижасиз бўлмади. Фуқаро Александр Олеховой бу жиноятни содир этганликда айбланиб, далилий ашёлар билан қўлга олинди.

ТЕЗКОР ГУРУҲ МУВАФФАҚИЯТИ

Ангрэн шаҳар кўриқлаш бўлимининг марказлаштирилган пультада баногоҳ сигнал янграб қолди. У Навоий кўчасидаги хусусий автодўкандан

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲАР ПРОВАН

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилми: 3:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида термид ва
саҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лиларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.